

Ўзбекистонда якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ тўлаш тартиби ва таҳлили.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кенг қамровли таркибий ва институционал ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Уларнинг ичида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш каби вазифалар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай вазифалар одатда иқтисодиётнинг йирик ва ўрта корхоналари воситасида ҳал қилинади.

Кичик корхоналар, микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилувчи шахслар орқали эса одатда бандлик, бозорни арзон ва турли-туман товарлар билан тўлдириб бориш каби муаммолар ҳал қилинади.

Ислохотлар иқтисодиётни расмийлаштириш, солиқ юқини камайтириш ва рақамли муҳитни ривожлантиришни мақсад қилган. Тадқиқотда солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш каби ижобий жиҳатлар, шунингдек, бюджет тушумларининг қисқариши ва солиқ базаси эрозияси каби салбий оқибатлар муҳокама қилинади.

Ўзбекистонда якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 1% ли айланмадан солиқ ставкасига ўтишнинг ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда хорижий тажрибани ўрганиш асосида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича асосли тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фарқлари

| Вазифалар | ЯТТ (Якка тартибдаги тадбиркор) | Ўзини ўзи банд қилган шахслар |
|-------------------------------|---|---|
| Рўйхатдан ўтиш тартиби | Давлат хизматлари маркази ёки my.gov.uz сайти орқали давлат божи тўланади. ЯТТ ДХМ орқали рўйхатдан ўтса БҲМ нинг 1 баравари (412 000 сўм). my.gov.uz орқали ўтса БҲМ нинг 0,9 баравари (370 800 сўм тўлайди) | "Soliq" мобил иловаси ёки soliq.uz орқали рўйхатдан ўтиш бепул ва онлайн. |

| Вазифалар | ЯТТ (Якка тартибдаги тадбиркор) | Ўзини ўзи банд қилган шахслар |
|-------------------------------|---|--|
| Онлайн назорат касса машинаси | Нақд пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширганда онлайн назорат-касса машинаси (ОНКМ) ёки виртуал кассадан фойдаланиш шарт | Онлайн назорат касса машинасидан фойдаланиш мумкин. (В.М. 23.12.2020 йилдаги 806-сон қарори 1-илова 20-банд). |
| QR-код | ЯТТ ларда рақамли платформаларда генерация қилинган электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR код мавжуд бўлиши мажбурий. | ЯТТ ларда рақамли платформаларда генерация қилинган электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR код мавжуд бўлиши мажбурий. |
| Солиқ тўлаш тартиби | Айланмадан олинадиган солиқ 1% миқдорда тўлайди. Ҳар ойда бир БХМ миқдоридан ижтимоий солиқ тўлайди. | Айланмадан олинадиган солиқ 1% миқдорда тўлайди. Пенсия стажи ҳисобланиши учун йилига ихтиёрий равишда 1 БХМ миқдоридан (412 000 сўм) ижтимоий солиқ тўлайди. |
| Пенсия чиқиш учун талаблар | Ҳар ой камида БХМнинг 1 баробари (412 000 сўм) миқдоридан ижтимоий солиқ мажбурий тўланиши керак. Минимал стаж 7 йил. Пенсия ёшига етганда, пенсия умумий асосларда тайинланади. | Календар йили мобайнида 1 декабргача камида БХМнинг 1 баробари миқдоридан ихтиёрий ижтимоий солиқ тўланса, 1 йиллик иш стажи ёзилади. Ўзини ўзи банд қилган шахс пенсия фондига камида 7 йил давомида ҳар йили ижтимоий солиқ тўлаши керак. Бу унга зарурий минимал меҳнат стажини таъминлайди. Пенсия ёшига етганда, пенсия умумий асосларда тайинланади. |
| Ходим ёллаш тартиби | Фаолият турига қараб 1 нафардан 5 нафаргача ходим ёллаш ҳуқуқига эга. | Ёлланма ходимлардан фойдаланиш мумкин эмас. |
| Фаолият тури | Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган махсус рўйхат бўйича 93 та фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги ПФ-50-сон Фармонида асосан 72 та фаолият тури билан шуғулланиши мумкин (асосан хизмат кўрсатиш). Чакана савдо билан шуғулланиш тақиқланади. |

Иқтисодиётни расмийлаштириш ва яширин секторни қисқартириш.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ юкининг кескин камайиши ва солиқ маъмурчилигининг соддалашуви норасмий секторда фаолият юритаётган тадбиркорларни расмий секторга ўтишга ундайди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг 30% га яқин улуши мавжудлиги сабабли, бу механизм солиқ

базасини кенгайтириш ва давлат бюджетига тушумларни узок муддатда ошириш учун катта салоҳиятга эга.

2-жадвал

Айланмадан 1% ли ставкага ўтишнинг ижобий ва салбий томонлари:

| Ижобий томони (Strengths) | Салбий томони (Weaknesses) |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • 1% ставка жаҳонда микробизнес моделларига мос келади • Яширин иқтисодийни легаллаштиришга ҳисса қўшади • Электрон ҳамён, QR-код ва рақамли платформа орқали тўловлар маъмурий юкни камайтиради • 2030 йилгача махсус ҳуқуқий режим барқарорлик беради | <ul style="list-style-type: none"> • Иккиталик мақом (ЯТТ + ўзини ўзи банд қилган) чалкашлик ва тенгсизлик яратади • Тўртта солиқ тизими (ҚҚС, фойда, айланма, ижтимоий) мураккаб • 1 млрд сўмдан ошганда кескин ўтиш («cliff edge») корхонани бўлинишга мажбур қилади • Солиқ назорати ва легаллаштириш кўп ҳолларда формалликка айланган |
| Имкониятлар (Opportunities) | Таҳдидлар (Threats) |
| <ul style="list-style-type: none"> • Ўзини ўзи банд қилган шахсларни ЯТТ га бирлаштириш орқали тизимни соддалаштириш лозим. | <ul style="list-style-type: none"> • Пенсия тизимидаги табақаланиш. Ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий солиқ суммаси жуда кам миқдорда белгиланган. |

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг халқаро амалиёти таҳлили

Турли мамлакатлар ўзларининг иқтисодий шароитлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиққанлар. Хорижий тажриба (Грузия, Сингапур, Япония, Канада) шуни кўрсатадики, кичик тадбиркорлик учун фақат **битта оддий мақом “якка тартибдаги тадбиркор (sole proprietor)”** етарли бўлиб, алоҳида “ўзини ўзи банд қилган шахс” тоифаси керак эмас.

3-жадвал

Халқаро амалиёт таҳлили:

| Давлат | Мақоми | Солиқ ставкаси | Шартлар (меъёрлар) | Асосий хусусият |
|------------|--|----------------|--|---|
| Ўзбекистон | ЯТТ + ўзини ўзи банд қилган қилган шахслар | Айланмадан 1 % | 1 млрд сўмгача (82 500 USD) 1%; ошса ҚҚС ва фойда солиғи | Иккита алоҳида мақом; «ихтиёрий ишлаш» модели |

| Давлат | Мақоми | Солиқ ставкаси | Шартлар (меъёрлар) | Асосий хусусият |
|---------------|--|--|--|--|
| Грузия | Individual Entrepreneur (ўзини ўзи банд қилган) + Small Business Status (ЯТТ) | Айланмадан 1 % | 500 000 GEL 1%; (~180 минг USD); кўпроқ бўлса - 3% | Битта яхлит мақом |
| Россия | Якка тартибдаги тадбиркор + ўзини ўзи банд қилган қилган шахслар | ЖШОДС: 4% жисмоний шахслардан; 6% юридик шахс ва ЯТТлар дан олинган даромадга | Ўзини ўзи банд қилганлар йиллик 2,4 млн рубль (~24 минг USD), ошса мақом ўзгарада; ЯТТ: 450 млн рублгача (2026 й.дан ҚҚСсиз чегара 15 млн рублгача тушади) | Иккита алоҳида мақом; НПД — ходим ёллаш тақиқланган, декларациясиз "Мой налог" иловаси орқали автоматик; ИП — ходим ёллаш мумкин |
| Япония | Sole Proprietor (ЯТТ) | Прогрессив 5–45% (соф фойдадан) | Йиллик даромад 20 млн иен (125 000 USD) дан ошса мажбурий равишда ҚҚС рўйхатидан ўтади. | «Blue Return» (ЯТТ учун қўлланиладиган солиқ декларацияси режими) мураккаб, аммо самарали бухгалтерия |
| Сингапур | Sole Proprietorship (ЯТТ) Self employed (ўзини ўзи банд қилган қилган шахс) | Шахсий даромад солиғи 0–22% (соф фойдадан) | Йиллик даромад 1,2 млн SGD 940 000 USD) дан ошганда ҚҚС тўловчиси бўлади | Нисбатан содда 2-line ва 4-line (ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган қилган шахслар учун декларация шакли) ҳисобот тизими. |
| Жанубий Корея | Individual business (ЯТТ); Independent worker (ўзини ўзи банд қилган қилган шахс) | Прогрессив 6–45% | Йиллик даромад 80 млн вон (54 000 USD) дан ошса мажбурий ҚҚС тўловчиси бўлади | Шахсий даромад сифатида солиқ; чегирмалар катта |

| Давлат | Мақоми | Солиқ ставкаси | Шартлар (меъёрлар) | Асосий хусусият |
|-----------|---|--|---|--|
| Хитой | Individual business (ЯТТ) | Прогрессив 5-35%; микрофирмалар учун самарали. | ЯТТ лар учун ҚҚС — 3% (вақтинчалик имтиёз 1%) | Миллий бизнес асосини ташкил этади; содда ҳисобот |
| Германия | Freiberufler (ўзини ўзи банд қилган қилган шахс) Einzelunternehmen (ЯТТ) | Прогрессив 0–45% | Йиллик даромад 22 000 EUR (25 700 USD) дан ошса ҚҚС га ўтади; | Freiberufler — (ўзини ўзи банд қилган қилган шахс) Савдо солиғидан дан озод; |
| Швейцария | Sole Proprietorship (ЯТТ) | Федерал+минтақавий + муниципал прогрессив (~20–40%) | 100 000 CHF (126 500 USD) дан ошса, ҚҚС га ўтади | АНV(пенсия тизими) 10% ижтимоий солиқ |
| АҚШ | Sole Proprietorship (ЯТТ) | Федерал даромад солиғи 10—37% + ижтимоий солиқ (15,3%) | Даромад 400 USD дан ошса декларация topshiradi; Social Security — 176-100 USD гача ижтимоий солиқ тўлайди | Ижтимоий солиқ юки |
| Канада | Sole Proprietor (ЯТТ) | Федерал 15–33% + худудий+5–20%); CPP (пенсия жамгармаси бадали— 11,9%) | Йиллик даромад — 30 минг CAD (22 000 USD) дан ошса мажбурий ҚҚС га ўтади | ССРС (корпоратив) — 500 минг CAD (365 000 USD) гача 9% фед. + худудий (~12%) |

Ўзбекистонда ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1. ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга бир хил солиқ режими белгиланган бўлсада, улар ижтимоий солиқ тўлаш нуктаи назаридан икки хил тўловчи бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

- Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ойига 1 271,0 минг сўм белгиланган. Шундан 12 фоиз (*бюджет ташкилотларидан ташқари*) миқдорида 152,5 минг сўм ижтимоий солиқ ҳисобланади. ЯТТлар

учун белгиланган бир ойлик **ижтимоий солиқ суммаси** яъни БХМнинг бир баравари (412 минг сўм)ни бекор қилиб, солиқ тўловчилар сони кўпайишини инобатга олиб, ижтимоий солиқ суммасини **152,5 минг сўм** қилиб белгилаш;

- ўзини ўзи банд қилган шахслар учун йилига **ихтиёрий равишда** тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг **камида бир баравари миқдоридаги** тўловни **бекор қилиб**, ҳар ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **босқичма - босқич** тартибда 2027 йилдан бошлаб **5 фоизи** (63,5 минг сўм), 2028 йилдан **10 фоизи** (127,1 минг сўм) ва 2029 йилдан бошлаб **12 фоиз миқдорида** (152,5 минг сўм) тўловни жорий этиш лозим.

Сабаб ушбу фуқаро бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ихтиёрий равишда тўлов тўлаб, пенсия ёшига етганида **ойига ёшга доир энг кам пенсия** (918 000 сўм)ни олмоқда.

2. ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахслар улар амалда бир хил ишни бажаришади. Шундан келиб чиқиб, ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолияти турларини **босқичма-босқич тугатиб**, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятига ўтказиш лозим.

3. 2026 йил 1 январдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари, яъни ишлар ва хизматлар рўйхати қисқартирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2025 йилдаги ПФ-50-сон Фармонида асосан амалдаги 104 та фаолият тури **72 тага** қисқартирилди. Ўзгаришларнинг асосий қисми ЯТТ фаолиятига хос бўлган 40 та йўналишга тўғри келади. Натижада 2026 йилда (4 000 000 га яқин) ўзини ўзи банд қилган шахслар сони 2025 йилга (5 999 691 та) нисбатан тахминан 30% га камайди. Мазкур ўзгаришлардан келиб чиқиб, йил бошига нисбатан камайган **2 000 000 га яқин** ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиқ органлари ва ҳоким ёрдамчилари томонидан **якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишини** таъминлаш лозим.